

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ

Ижтимоий-сиёсий газета

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН

№ 160 (1486), 2025 йил 7 август, пайшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



Муносабат

МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ФАРОВОНЛИК МАКОНИ

Шу йил 4-5 август кунлари БМТнинг Туркменистонда бўлиб ўтган Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси кун тартибидан ўрин олган долзарб масалалар дунё жамоатчилиги эътиборида бўлиб турибди.



БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, шунингдек, бошқа қатор давлат ва ҳукуматлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари иштирок этган мазкур нуфузли анжуманда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлади.

Денгиз йўли жаҳон савдо айланмасининг салмоқли қисmini ташкил этади. Бу ўзаро савдо-сотиқ ва ҳамкорлик, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инвестицияларни жалб қилиш учун қулай имкониятидир. Аммо 32 мамлакат, жумладан, Марказий Осиёнинг

барча давлати денгизга тўғридан тўғри чиқиш имкониятига эга эмас. Географик жиҳатдан денгиз портларидан олислик, денгиз йўлларига бир нечта давлат ҳудуди орқали чиқиш эса қатор муаммоларни вужудга келтирмоқда. Булар юқори тарифлар, транспорт йўлаклари ва инфратузилмаларнинг ўтказиш имконияти чеklangани, шунингдек, бошқа давлатларнинг божхона-транзит сиёсатига боғлиқликда намоён бўлмоқда.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, бундай омиллар таъсирида, хусусан, транспорт харажати юқорилиги ва транзит тизими беқарорлиги туфайли Марказий Осиё минтақаси ҳар йили ялпи ички маҳсулотининг икки фоизигача тенг қисmini йўқотмоқда. Логистика харажати маҳсулотлар умумий нарҳида 60 фоизгача етгапти. Бу рақам жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан бир неча баробар юқори. Шу боис, ишончли янги транзит йўлаклари ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш Марказий Осиёда барқарор тараққиётнинг муҳим омилга айланимоқда.

Президентимиз шу хусусда тўхталар экан, тадбир иштирокчиларини бирлаштирган кун тартиби фундаментал масала — адолат масаласига дахлдорлигини, бу — денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган давлатларга жаҳон иқтисодиётида тенг шaroитларда иштирок этиш имкониятини таъминлаш эканини алоҳида қайд этди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ МИНТАҚА РИВОЖИДА КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА

Шарқ ва Ғарбни боғлаб турган Буюк ипак йўлидаги қадимий Самарқанд, Бухоро, Хива каби йирик шаҳарлар IX — XVI асрларда дунёнинг савдо, тижорат, илм-фан, маданият ва санъат марказлари сифатида оламга машҳур бўлган. Карвон йўли марказида жойлашгани қадим кентларимизда йирик бозорлар, сарой ва қалъалар қад ростлаши, илм-фан ривожига ҳисобига буюк алломалар етишиб чиқиши, аҳолининг фаровон ҳаёт кечиришига замин яратган.

Бу даврларда узоқ масофаларга маҳсулот ташишда қуруқлик йўлидан, туя, от, фил каби ҳайвонлардан тузилган йирик карвонлардан фойдаланилган. Бундай карвонлар турли буюмлар билан бирга маданият, илм-фан-

нинг илгор ютуқларини ҳам олиб борган. Шу маънода, Ўзбекистоннинг йирик карвон йўли марказида жойлашиши унинг тараққиётида муҳим аҳамият касб этган.

Давоми 2-бетда

Биз танлаган йўл

БУЮКЛИК ҚУДРАТИ ТИМСОЛИ ЯНГИ ТОШКЕНТ — ЗАМОНАВИЙ ЭКОШАҲАРСОЗЛИКНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

Саратон. Қуёш ҳарорати тандирнинг онам косов билан титган чўғларидек баланд. Нурлари танангга жайранинг тиканларидек санчилиб, ачиштириб юборади. Бир фурсат қуёш тигида юрсанг, бошингга тўқмоқ билан ургандек кўзларинг қисилиб, талмовсираб қоласан киши.

Ишхонамнинг шундоққина биқинида жойлашган бекатга етиб олгунча терга ботдим. У ерда ҳам одам кўп. Бекат соясига тумонат йўловчи сиғишга уринади. Аммо бефойда, ўсмирнинг дўппидан тошиб турган қалин сочларидек, одамлар соядан тошиб туради. Мен у томонга юриб овора ҳам бўлмадим. Нақ найзадек санчилаётган қуёш тигида туравердим. Хайриятки, автобус кўп куттирмади. Уловга чиқишим билан бошқа бир оламга тушгандек бўлдим. Совуткичнинг майин шабадаси тўс-тўполондан кейин ер юзини ювинтирган ёмғирдек танамга роҳат бағишлади.

Давоми 3-бетда



Таҳлил

2017 йилдан бошлаб мамлакатимизда давлат бошқаруви, иқтисодиёт, суд-ҳуқуқ, ижтимоий соҳа ва ташқи сиёсатда кенг қўламли ислохотлар йўлига ўтилди. Бу сиёсий, институционал ва иқтисодий янгиланишлар 2021 йилдан янги босқичга қўтарилди. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси юрт келажагини белгилловчи асосий ҳужжат бўлиб, унинг устувор йўналишларидан бири сифатида рақамли трансформация алоҳида қайд этилган.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ: МАҚСАД АНИҚ, КУТИЛАЁТГАН САМАРА ЭСА ЗАЛВОРЛИ

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Рақамли технологиялар — бу бутун ёки эртага эмас, балки кеча бошланиши керак бўлган ислохотлар йўли”. Ушбу фикр янги Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёт моделида рақамли иқтисодиётнинг нақадар муҳим экани, у ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг бош драйверига айланиётганини англатади.

Давоми 4-бетда

Агротармоқ

ФЕРМЕР ЭНДИ ДАЛАСИГА НИМА ЭКИШНИ ЎЗИ ҲАЛ ҚИЛАДИ

Бу озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, деҳқонлар даромадини оширишга замин яратади

Юртимизда қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштириш, аграр секторни модернизациялаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ресурс тежайдиган ва интенсификатив замонавий агротехнологияларни жорий этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.



Соҳадаги ислохотларда асосий эътибор сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни фаол жорий этиш, хўжалик ва корхоналарнинг моддий-техник базаси ҳамда кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилаётди. Айниқса, сўнгги вақтларда қайта ишлаш ва экспортга йўналтирилган агросаноат иқтисодиётимизнинг асосий

бўғинларидан бирига айланди. Охириги саккиз йилда соҳа ривожига доир қўллаб қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Хусусан, 2025 йил 3 февралда қабул қилинган “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун халқимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини кафолатли таъминлашга қаратилган тарихий ҳужжат бўлди.

Давоми 4-бетда

Бизнинг суҳбат

БУТУН КОИНОТ МАТЕМАТИКА ТИЛИДА ЁЗИЛГАН ЯХЛИТ МЎЪЖИЗА

Дунё тамаддунига бешик бўлган Ўзбекистон заминидан асрлар давомида илм-фан ривожланган. Инсониятнинг илмий ва маънавий тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар асарлари ва кашфиётлари билан нафақат ўз даврида, балки ҳозирги замонгача илм аҳлини ҳайратлантириб келмоқда. Орада бир муддат инкироз даврини бошидан кечирган илм-фан бутун буюк аждодларига муносиб равишда ривожланишга юз тутди. Бу қутлуг жараёнда ҳаётини илмга бағишлаган, тирикликнинг бутун маъмун-моҳиятини фақат илмда деб билган устоз олимларнинг ўрни бўлакча. Зеро, уларнинг бой ҳаёт йўли, бебаҳо тажрибаси инсонлар учун йўлчи юлдуз, қалбларга нур таратувчи зиёдир.



Бугунги суҳбатдошимиз шундай фидойи инсонлардан бири — математик олим, “Меҳнат шўхрати” ордени соҳиби, академик Шавкат АЛИМОВ бўлди. — Президентимизнинг давлат раҳбари сифатида дастлабки учрашуви илм-фан вакиллари билан бўлгани Ўзбек олимлари ҳаётида катта воқелиқдир, — дейди Шавкат Алимов суҳбат аввалида. — Уша пайтда мен Куала-Лумпурдаги Малайзия микроэлектроник тизимлар институтининг математик моделлаштириш лабораторияси раҳбари эдим. Учрашувда иштирок этиш учун бир кунга Ўзбекистонга келдим. Биз, олимлар олдида катта вазифалар қўйилди. Илм-фаннинг устувор йўналишларига эътибор қаратилди. Бундан руҳландик. Шундан сўнг Малайзиядаги компания билан шартномани тугатиб, Ўзбекистонга қайтдим ва илм-фан ривожига ҳисса қўишни истадим. Келганимдан жуда мамнун бўлдим. Бир қанча шогирдлар тайёрлабман. Уларнинг ҳаёти, дунёқараши, турмуш тарзи ўзгараётганини кўриб хурсанд бўлман.

Давоми 5-бетда

ЖАДИД БОБОЛАРИМИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН КУНЛАР

6



СПОРТИМИЗДАГИ МУАЗЗАМ ҒАЛАБАГА БАҒИШЛАНГАН КИТОБ

5

Муносабат

МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ФАРОВОНЛИК МАКОНИ

Бошланиши 1-бетда

— Бу ўта долзарб вазифани ҳал этиш учун учта принципиал шартни бажариш лозим. Булар — барқарор ривожланиш асоси сифатида инфратузилмани модернизация қилиш, транзит муаммоларини бартараф этиш мақсадида ўзаро боғлиқликни кучайтириш, глобал тенг ҳуқуқликнинг муҳим элементи бўлган ривожланиш ҳуқуқини таъминлашдир, деди давлатимиз раҳбари.

Шу мақсадда Ўзбекистонда кейинги йилларда хусусий секторни фаол жалб этган ҳолда замонавий транспорт-логистика тармоқларини барпо этиш бўйича тизимли қадамлар ташланмоқда. Мамлакатимиз логистика очкилиги ва шаффофлиги масалаларида юқори динамика кўрсатяпти. Савдо-транспорт жараёнларини рақамлаштириш борасида комплекс чора-тадбирлар кўрилмоқда. Иқтисодиётда тузил



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

мавий ислохотлар, савдо тизими либераллашгани ва инвестиция муҳити тубдан яхшиланиши салмоқли натижалар бермоқда. Рақобатбардошлик ошди, инновацион тараққиёт тезлашди.

Марказий Осиёда ўзаро ишонч ва шериклик янги даражага кўтарилгани эса жадал ўзгаришларга кучли туртки бермоқда. Ҳозир минтақамизда ягона транспорт-логистика макони шаклланимоқда. Марказий Осиёни Ўшар ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасидаги тўлақонли транзит ҳабиға айлантириш учун иририк дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Халқаро конференция кун тартиби ниҳоятда тигиз бўлди. Унинг доирасида минтақавий ва глобал муаммолар ечимига оид қатор тадбирлар ҳам ташкил этилди.

Нуқтаи назар

ГЛОБАЛ АДОЛАТ ВА ИНТЕГРАЦИЯ

Жаҳон банки маълумотларига кўра, Марказий Осиё транспорт харажатлари ва транзитдаги ноаниқликлар туфайли ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг 2 фоизигача қисмини йўқотмоқда. Айнан шундай муаммолар ечимини топиш мақсадида БМТнинг Туркменистонда бўлиб ўтган Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси муҳим сиёсий ва иқтисодий платформа вазифасини ўтади.

Президентимизнинг мазкур конференцияда иштирок этиш учун Туркменистонга амалий таширифи юртимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. У мамлакатимизнинг геосиёсий ва иқтисодий мақсадларини илгари суриш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва халқ фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган аниқ ва прагматик ташаббуслар билан бойитилди. Бу ташириф Ўзбекистоннинг ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи ва глобал муаммоларга ечим топишда фаол иштирок этувчи давлат сифатидаги обрўсини оширмоқда.

Конференцияда Президентимиз нутқи ана шу глобал муаммоларнинг Марказий Осиёга ҳос жиҳатларига уруғ бериш ва уларнинг ечими бўйича қатор муҳим ташаббусларни илгари суриш билан алоҳида аҳамият касб этди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бутунги кун тартиби адолат масаласига тааллуқли, яъни денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатларга жаҳон иқтисодиётида тенг шaroитларда иштирок этиш имкониятини яраттидир. Мазкур аянжуман нафақат минтақавий, балки глобал миқёсда ҳам транзит ва логистика муаммоларини ҳал этиш, яъни савдо йўлакларини очиш ва иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш учун янги имкониятлар эшигини очди. Ўзбекистон Президентининг тақлифлари денгизга чиқиш имкони бўлмаган мамлакатларнинг муаммоларини тизимли ва комплекс ҳал этишга қаратилган ягона “Йўл хари-таси”ни ишлаб чиқишга хизмат қилиши мумкин.

Денгизга чиқиш имкони бўлмаган мамлакатлар, хусусан, Марказий Осиё давлатлари учун юқори транспорт харажатлари, транзит йўлаклари ва инфратузилмасининг чеклангани, шунингдек, бошқа мамлакатларнинг божхона-транзит сиёсатиға қарамлиқ каби муаммолар иқтисодий ривожланишга жиддий тўсиқ бўлиб келмоқда.

Денгизга чиқиш имкони бўлмаган мамлакатлар, хусусан, Марказий Осиё давлатлари учун юқори транспорт харажатлари, транзит йўлаклари ва инфратузилмасининг чеклангани, шунингдек, бошқа мамлакатларнинг божхона-транзит сиёсатиға қарамлиқ каби муаммолар иқтисодий ривожланишга жиддий тўсиқ бўлиб келмоқда.

мукофотлари билан тақдирланган. Қозоғистоннинг “Олтин қиран” ва “Дўстлик”, Қирғизистоннинг “Данакер”, Тожикистоннинг “Заринтоғ”, Россиянинг Александр Невский, Франциянинг Фахрий легион, Туркиянинг “Республика” орденлари, Туркий дунёнинг олий ордени, МДХ фахрий нишони, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг фахрий нишони ва бошқалар шулар жумласидан.

Табиики, бу сўнгги йилларда мамлакатимиздаги очкилик, ошкоралиқ, ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик сиёсатининг халқаро миқёсдаги муҳим эътирофидир. Ушбу тадбир бундай алоқаларни янада ривожлантириш, юртимизни, минтақамизни тараққий эттиришда муҳим қадам бўлади.

— Президентимиз Туркменистоннинг юксак давлат мукофоти билан тақдирлангани бутун Ўзбекистонда қаторида шу заминда яшайётган туркман миллати вакилларига ҳам юксак фахр-ифтихор бахш этди, — дейди Туркман миллий-маданий маркази раҳбари Гўлдона Аведзурдиева. — Бу янги Ўзбекистоннинг дўстона ва тинчликпарвар ташқи сиёсатиға берилган юксак баҳодир. Давлатимизнинг ана шундай эзгу сиёсати туфайли қўшни мамлакатлар билан алоқалар йил сайин ривожланиятти. Хусусан, бой тарихий тажриба, қардошлиқ ва ўзаро ҳурмат аъналарига асосланган Ўзбекистон — Туркменистон алоқалари стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Кейинги йилларда муҳим иқтисодий-гуманитар лойиҳалар амалга оширилмоқда, ўзаро савдо ҳажми ва кооперация кўлами кескин ошди. Бу давлатларимиз тараққиёти ва халқларимиз фаровонлиги ошишиға мустаҳкам замин яратяпти. Ишончимиз комилки, ўзаро муносабатларимиз бундан буён ҳам мустаҳкамланиб бораверади.

Ушбу тадбир минтақавий ўзига ҳослик ва маданий ранг-барангликнинг навабтадаги намунаси сифатида ўзаро англашувни мустаҳкамлашға ҳамда Марказий Осиёни тинчлик, барқарорлик ва фаровонлик макони сифатида намоён этишда муҳим қадам бўлди. Унинг доирасида қабул қилинган Аваза декларациясида белгиланган чора-тадбирлар рўёбга чиқиши Марказий Осиё давлатларининг ўзаро интеграциясини кучайтириш, дўстлик, қардошлиқ ришталарини янада мустаҳкамлаш, денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар учун янги ва ёруғ истиқболларни очишға хизмат қилади.

Умуман олганда, Президентимизнинг ушбу амалий таширифи Ўзбекистон — Туркменистон муносабатлари ривожига янги суръат бағишлаши билан бирға давлатларимиз ўртасидаги яқин ҳамкорлик, қўн-қардошлиқ, яхши қўшничилик алоқаларининг ўзига ҳос ёрқин ифодаси бўлди. Зеро, Туркман халқининг миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов Туркменистонда шаклланган протокол тартиб-қоидаларидан четта чиқиб, Президентимизни аэропортда шаҳсан кузатиб қўйгани ҳам ўзаро ҳурматга асосланган самийи ва дўстона муносабатларимиз, халқларимиз ўртасидаги чинакам қардошлиқ ришталарининг бебаҳо намунасирид.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ

Минтақа ривожига катта аҳамиятга эга

Бошланиши 1-бетда

XV-XVII асрларда турли жинойи гуруҳлар, қароқчилар томонидан таланган ҳамда бир-бири билан уруш ҳолатидаги давлатлар чегараларида ҳаракатланишға қийналган савдогарлар юк ташиш учун муқобил йўллари қидира бошлади. Бу эса буюк географик кашфиётларға сабаб бўлди. Нафақат янги ҳудудлар кашф этилиши, балки денгиз йўлининг қуруқлик йўлидан устун жиҳатларини кўрсатиб берди. Халқаро транзит соҳасида сув йўли ҳаво ва қуруқлик йўлидан анча арзон экани билан муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, айни шу жиҳат бугунги кунда қуруқликдаги савдо йўллари қийматини бир оз туширди. Бошқача айтганда, глобал дунё бозорида рақобат кучайиб борар экан, денгиз йўллари қуруқликдаги муқобилиға нисбатан маҳсулот таннархига катта таъсир ўтказмаслиги ҳисобига келди. Бу тўсиқларни енгиб ўтиш учун мамлакатлар ўзига ҳос усул ва ташаббусларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда.

Дунёда тўғридан тўғри денгизга чиқиш имконияти бўлмаган 32 давлат бор. Шундан 16 таси Африка, 10 таси Осиё, 4 таси Европа, яна 2 таси Лотин Америкасида жойлашган, ушбу давлатларда дунё аҳолисининг 7 фоизи, яъни 500 миллиондан ортиқ киши истиқомат қилади.

Ўзбекистон ҳам мана шу давлатлар рўйхатида, яъни дунёда океанга чиқиш учун камида икки давлат ҳудудидан ўтиши керак бўлган бор-йўғи икки давлатдан бири. Бири Ўзбекистон бўлса, иккинчиси Лихтенштейн. Шу боис, тўғридан тўғри денгизга чиқиш имкониятини йўқлигининг мамлакатимиз ривожига таъсирни бошқалариникидан салмоқлироқ. Ҳўш, денгизга чиқиш имконияти бўлмаган мамлакатларнинг тараққиёти учун қандай бир-бириға ўхшаш нуқулалликлар бор?

Биринчидан, тўғридан тўғри арзон денгиз транспортидан фойдалана олмаслиги боис, бу мамлакатларға импорт маҳсулотлар қиммат кириб келади. Ўз навбатида, уларнинг ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни экспорт қилиш харажати бошқалариникиға нисбатан баланд бўлади. Бу маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигига салбий таъсир ўтказади. Буну ушбу тоифадаги давлатлар



экспортининг жаҳон савдосидаги улуши атиги 1,1 фоизни ташкил этиши мисолида ҳам қўришимиз мумкин.

Иккинчидан, ушбу мамлакатлар ҳудудининг 54 фоизидан кўпроғи қуруқликдан иборат бўлгани учун уларда чўлланли, ер деградацияси учрайди. Шунингдек, бундай мамлакатларнинг глобал иснш, сув танқислиги, атроф-муҳитнинг бузилиши каби глобал экологик муаммоларға таъсирчанлиги баланд бўлади.

Учинчидан, қузатувларға кўра, улар қишлоқ ҳўжалиги, тоғ-қон санатои, ўрмон ҳўжалиги соҳаларига нисбатан боғланиб қолган, глобал бозор ўзгаришлари, иқтисодий инкироз, сиёсий беқарорлик уларға кучлироқ таъсир ўтказади.

Ушбу омиллар бу тоифадаги давлатларда пайдо бўлган умумий муаммоларни халқаро даражада ўрганиб чиқиш ва бартараф этиш борасида дунё давлатлари ўзаро ҳамкорликда кенг кўламли чора қўришини бутунги кун заруратиға айлантирди. Натияжада БМТ томонидан шундай халқаро формат ташкил этилди. БМТнинг денгизга чиқиш йўлиға эга бўлмаган ривожланаётган мамлакатларнинг 1 халқаро конференцияси 2003 йил 28-29 август кунлари Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган. Унда транзит битимларига асос солинди. 1 халқаро конференция 2014 йил 3-5 ноябрь кунлари Австриянинг Вена шаҳрида ташкил этилиб, асосий эътибор барқарор ривожланиш масалаларига қаратилди.

Кунн кеча Туркменистоннинг Туркманбоши шаҳридаги “Аваза” миллий туризм ҳудудида БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси бўлиб ўтди. Унда рақамлаштириш, “яшил” логистика, иқлим ўзгаришлари кун тартибига чиқди.

Халқаро конференцияда Президентимиз иштирок этиб, нутқ сўзлади. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари Туркменистонга амалий таширифи давомида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи маслаҳат учрашувиға тайёргарлик қўриш масалаларига бағишланган тадбирда иштирок этди ва қатор икки томонлама музокаралар ўтказди.

БМТ конференциясидаги муваффақиятли иштирок мамлакатимизға географик жойлашувига мос янги ташаббусларни илгари суриш, қўшни давлатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда ўзига ҳос йўналишда глобал овозга эга бўлиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари конференциядаги нутқида денгиз коммуникацияларига тўғридан тўғри чиқа олмайдиган Ўзбекистонда бу омил қандай муаммоларни юзага келтирайётганини қайд этди. Жумладан, транспорт харажатлари катталиги ва транзит тизими беқарорлиги туфайли Марказий Осиё минтақаси ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг икки фоизигача йўқотаятгани, логистика харажатлари маҳсулотлар умумий нархида 60 фоизгача етаётгани, бу рақам жаҳондаги ўртача кўрсаткичлардан бир неча баробар юқори эканиға доир таҳлилларни келтирди. Албатта, энг яқин денгиз портларидан салкам 3 минг километр узоқликда жойлашган, унга чиқиш учун бир неча давлат ҳудудини босиб ўтиши керак бўлган Ўзбекистон бундан энг кўп зарар кўрмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, минтақада ишончли ва арзон юк ташиш йўлиға эга бўлиш мақсадида ҳамкор давлатлар билан “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилиши жадал олиб бориляпти. 2024 йил декабрда старт берилган ушбу лойиҳа Президентимиз томонидан “Бу дўст мамлакатларимиз салкам 30 йил давомида интилиб келган том маънодаги тарихий воқеадир”, дея эътироф этилган. Ушбу йўл орқали йилиға 15 миллион тонна юк ташилади. Хитойдан Европа мамлакатларига юк етказиб бериш масофаси бир неча минг километр, муддати эса деярли бир ҳафтаға қисқаради. Шу жиҳатдан ҳам унинг ишға туширилиши минтақавий савдо ва инвестициялар ҳажмини бир неча баробар қўнайитириш, транспорт харажатларини сезиларли даражада қисқартириш, Марказий Осиёнинг улкан транзит салоҳиятини юзага чиқаришға хизмат қилиш кутилмоқда.

Келгусида ушбу темир йўл линияси трансфогн йўлаги билан туташиб, Хитой, Марказий Осиё ва Жанубий Осиё ўртасидаги транспорт-коммуникация тармоқларини самарали бирлаштириш ва кучайитиришга имкон яратиш мақсад қилинган. Президентимиз конференциядаги нутқида “Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон” темир йўлини қуриш лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириши тешлаштириш тарафдори эканимизни ва уни “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли билан боғлаш янги савдо-иқтисодий макон ва барқарор

транспорт инфратузилмасини шакллантириш учун катта имконият эканини қайд этди.

Албатта, бундай катта лойиҳалардан бирламчи мақсад Буюк йўл йўлининг қайта тикланиши, маданий-гуманитар алмашувлар ривожини, халқларимизнинг янада яқинлашувига эришишдир.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари денгизга чиқиш йўлиға эга бўлмаган мамлакатлар билан бозорларға чиқишда бошқа мамлакатлар сингари тенг имкониятларға эга бўлиши учун ўзаро келишган ҳолда қатор лойиҳа ва ташаббусларни ҳаётга татбиқ этиш зарурлигини билдирди. Халқаро транспорт йўлаклари ва инфратузилмасини жадал ривожлантириш учун мувофиқлаштирилган харажатлар зарурлиги, БМТ шафелигида денгизга чиқиш йўлиға эга бўлмаган мамлакатлар учун Транзит кафолатлари тўғрисидаги глобал битим ишлаб чиқиш, ушбу мамлакатларнинг логистика интеграциясига қўмаклашиш жағмармасини таъсис этиш, Ўзбекистонда агротармоқни ривожлантириш учун инновацион хаб яратиш, “Заифлик глобал индекси”ни ишлаб чиқиш, умумий таҳдидларни биргаликда бартараф этиш бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқишға етакчи экспертлар ва “ақл марказлари”ни фаол жалб этиш шулар жумласидан.

Албатта, бу тақлиф ва ташаббусларнинг ҳаётга татбиқ этилиши барча иштирокчилар, умуман, ҳамма учун бирдек манфаатли бўлади. Конференция доирасида қабул қилинган, келгуси йили ийилликка мўлжалланган Аваза сиёсий декларацияси ҳамда ҳаракатлар дастуридаги лойиҳалар мамлакатимиз тараққиётиға муносиб ҳисса қўишии шубҳасиз.

Ўзбекистоннинг худди тарихидаги сингари минтақада Шарқ ва Ғарбни боғлаб турувчи савдо-транзит йўли марказиға айланаётгани, бу йўлда айни йўналиш тараққиётиға доир халқаро тадбирларда ўз сўзи ва ўрниға эга бўлиб бораётгани янада қувонарли.

С.ТУРДИҚУЛОВ,
журналист



БУЮКЛИК ҚУДРАТИ ТИМСОЛИ

ЯНГИ ТОШКЕНТ – ЗАМОНАВИЙ ЭКОШАҲАРСОЗЛИКНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ



Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Дераза ёнидаги ўриндиққа жойлашдим. Иссиқдан ачишиб кетган кўзларим энди равшанлашди. Одамларни кузатдим: кимдир телефонга тикилган, яна кимдир кулоқчинидан чиқаётган овозга маҳлиё, бошқаси боласини опичлаган. Эътиборимни бир чеккада қитиб мутулаа қилаётган болакай тортиди. У китобни қўлига тутганча кўзларини юмиб, саҳифадаги шеърни ёддан такрорлашга уринарди. Болакайни кузатгач, бенхтиёр Оноре де Бальзакнинг “Ҳақиқий даҳо — жамият эътибор бермаётган инсондир”, деган фикри хаёлимдан ўтди.

Ростдан ҳам биз кўп даҳо инсонларни пайқамаймиз ёки ақл бовар қилмас тарихий воқеаларга эътибор бермаймиз. Токи кимдир бу ёққа, мана бу одамга қаранглар, балли ёки бу ерда нималар бўляпти, тасанно деб диққатимизни тортмагунча қадар. Ё бўлмаса, уларнинг ўзи ҳаётимиз, митти дунёмизга дахлдор бўлмагунча хаёлимизнинг бир учига ҳам келмайдди.

Куни кеча телевидениеда Янги Тошкент қурилиши жараёнлари тасвирланган видеолавҳага кўзим тушибди. Ортиқча безакларсиз, жараённинг табиий овози ва жонли кўринишидан олинган кадрлардан бунёдкорлик ишлари авқида эканини англаш мумкин. Шу лавҳага кўзим тушмагунча, бу лойиҳанинг қанчалик тарихий аҳамиятга эга экани, жараён қайси босқичдалиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган эканман.

Ҳа, узук-юлуқ эшитганларим, ўзига яраша кичик таассуротларим бор. Аммо юртимизда бўлаётган ўзгаришларга омманинг эътиборини тортиш биз иходкор, журналистларнинг бош мақсади, вазифамиз эмасми? Ваҳоланки, Янги Тошкент кичкина кўприк, мўъжазгина бино қуриш эмас, замонавий инфратузилмага эга, йирик шаҳар барпо этиш лойиҳасидир. Буни оламшумул иш, тарихий воқеалик деб атаса ҳам бўлади. Аслида, Эйфель, Тожмаҳал, Озодлик ҳайкали каби нодир меъморий обидаларни барпо этиш диққатга сазовор тарихий воқеалиқдир. Аммо янги бир шаҳарни қуриш бундан ҳам улугвор. **Ватан учун, миллат учун, халқ учун** янги тарих яратиш, десак муболаға бўлмайди. Боиси, дунё тарихида ҳам бундай лойиҳалар санокли амалга оширилган. Масалан, Александр Македонский Искандария, Августос Цезар Немаусс (Франция) шаҳарларини қурдирган. Амир Темур Шахрисабз ва Самарқандни қайтадан қурдирган, Ё бўлмаса, Султон Муҳаммад II Истанбул шаҳрини барпо этган, аммо уларнинг ўрнида аввалдан шаҳар мавжуд бўлган сабаб бу рўйхатга киритилмади. Замонавий дунёда эса Дубай шаҳри “нол”дан барпо этилган шаҳарларнинг ёрқин намунаси ҳисобланган.

Янги Тошкентни барпо этиш қарорига ўз-ўзидан келинмади. Бу янги Ўзбекистонни бунёд этиш мафкурасининг бир қисми ҳамда ортга қайтмас ислохотларнинг давоми сифатида юзатга чиқди.

Яқин ўтмишга назар ташласак, Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан пойтахтга келган инсонлар бу ердан уй-жой сотиб олиш тугул икки, уч ҳафта яшаши, ишлаши ёки шунчаки юриши ҳам муаммо эди. Нозирлар тўхтатиб, шахсни тасдиқловчи хужжат, “прописка” сўради. Гўё Тошкент бошқа бир ўлка, вилоятликлар эса хориждан келган инсонлар. Ўз бошимдан ўтказганим учун ўша йилларни қаттиқ хўрсиниш билан ёдга оламан. Талабалик даврим ана шу нозирларга дуч келиб қолмаслик ҳадиғи билан ўтиб кетди.

“**Шаҳар қурилишининг илк босқичида Ўзбекистон Миллий педагогика университети, Миллий кутубхона, Алишер Навоий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Янги Ўзбекистон университети бунёд этилиши илм-фан, таълим соҳасидаги ислохотларнинг давоми дейиш мумкин.**”

Ўқишни тугатгач эса янада танг аҳволда қолганман. Пойтахтдаги бирор ташкилотга ишлаш учун борсам, яшаш жойи бўйича (доимий) ёки вақтинчалик рўйхатда турганим ҳақида маълумотнома сўрашган. Маълумотнома олиш учун масъул идорага борсам, Тошкентда ишлашим ҳақида хўжжат талаб қиларди. Тизим шундай чигаллаштирилган эдики, калаванинг учи ҳар қанақасига ҳам вилоятга қайтиб кетиш бўлиб қолаверарди.

Худудларда эса иш ўрни етишмаслиги муаммоси сеvimли касбингдан воз кечишга, тақдир измига бўйсуниб, совуқ ўлкаларга улоқиб кетишга мажбур қиларди. Ахир бу юртдошларимизнинг конституциявий ҳуқуқлари бажарилмаслиги, демократия қоидаларига зид эмасмиди?!

Шу боис, саккиз йил олдин Шавкат Мирзиёев Президент бўлгач, бу тизим инсон ҳуқуқларининг поймол бўлиши сифатида баҳоланиб, “прописка” ислохотлари ўтказилди. Бир сўз билан айтганда, Тошкентнинг тўрт дарвозаси халқимиз, тадбиркорлар, инвесторлар — барча-барчага бирдек очилди. Аввало, бу 2023 йилда референдум асосида қабул қилинган янги тахрирдаги Конституциямизда муҳрлаб қўйилди. Унда қонуний асосларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиб турган ҳар ким мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эгалиги зарҳал ҳарфлар билан битилди. Яқинда эса қонунчилик кайритилган ўзгартришлар натижасида бундай тизимга асос бўлган қонун буткул ўз кучини йўқотди.

Ислохотлар қонунчилик меъёрларини ўзгартириш билангина чекланиб қолмади. Тошкентда юртдошларимизнинг фаровон ҳаёт кечирishi учун кўп қаватли уйлар, ижтимоий объектлардан иборат катта-кичик массивлар барпо этиляпти. Чорвасига меҳр бериб семиртирган чўпон ҳам, даласидан қора меҳнати эвазига “оқ олтин” топан дехқон ҳам пойтахтдан уй сотиб оладиган бўлди. Бунёдкорлик ишлари шаҳарчалар сонини кўпайтириш билан бирга пойтахт ҳудудини ҳам энига, ҳам бўйига кенгайтди. Урбанизация жараёнини жадаллаштирди. Юртдошларимизга гўзал турмуш ҳаёда этган Янгиҳаёт номли туман ташкил этилди.



Аввалига одамлар яна ёпилиб қолади деган тушунчада қўша қилиб уй-жой сотиб олишга тушди. Кейин бунёдкорлик ишлари бардавомлигини кўргач, кўнгли хотиржам тортиди. Уй-жой бозори бутун анча тартибга келиб қолган. Аммо айримлар узок вақт ислохотларга шубҳа билан қаради. Тошкентда аҳоли сони ортиб боришидан ҳадиксираб, қурилишлар давом этмаслигини ёки янги чекловлар орқали бўғиб қўйилишини тахмин қила бошлади. Аммо Президент “энди ортга йўл йўқ”, дея одамларни ислохотларга эш бўлишга чорлади.

Президентимиз 2022 йилда: **“Тошкент — азиям пойтахтимиз, мамлакатимизнинг энг катта шаҳри. Беш йилда инвестицияга, тадбиркорларга шароит яратдик, янги уйлар, замонавий иншоотлар қурилди. Бу ҳам керак. Энди келажакни ўйлаб, стратегияни аниқ белгилаб олмасак, ўн йилдан кейин шаҳарда яшаш қийин бўлиб кетади. Қўшимча босимни инфратузилма кўтармайди. Энди хато қилишга ҳаққимиз йўқ. Халқ учун яратилиши керак бўлган қўлайликларни ҳисобга олиб, лойиҳани 50 йил олдин тўғри қилмасак, шаҳарнинг архитектураси ҳам, иқтисодиёти ҳам, экологияси ҳам бўлмайди”,** деди ва Тошкент шаҳри бош лойиҳасини мукаммал яратиш,



унинг доирасида замонавий инфратузилмага эга Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш ташаббусини илгари сурди.

2023 йил 18 мартда, муборак Рамазон ойи ва Наврўз байрами шодиёналари арафасида Чирчиқ ва Қорасув дарёлари оралиғидаги 20 минг гектардан ортиқ, Тошкентнинг салкам ярмига тенг ҳудудда барпо этилиши белгиланган Янги Тошкент шаҳри қурилишига тамал тоши қўйилди. Лойиҳа якунланиши 2045 йилга мўлжалланмоқда.

Икки дарё оралиғи

Меъморликда **“Лойиҳа бинонинг руҳидир, жой эса танаси”,** деган пурмаёно сўз бор. Янги Тошкент лойиҳасининг

ҳаракатлари самарасидир. Замонавий меъморлиқнинг ёрқин намуналари мажмуаси бўлиши қутилаётган Янги Тошкент қурилиши ҳам Хитой, Буюк Британия, Туркия, Россиядан инвесторлар ҳамда дунёнинг энг олди қурилиш компаниялари билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Масалан, Янги Тошкент шаҳрининг жозибали ва маҳабатли меъморий намунаси бўлиши қутилаётган Алишер Навоий номидаги илмий-тадқиқот маркази лойиҳаси муаллифи “Zaha Hadid Architects” компаниясидир. Бу компания дунёда энг нуфузлилардан бири. У жаҳон архитектурасида ўзига хос ва инқилобий ёндашувга эга инновацион меъмор Заҳа Ҳадидга тегишли.

Унинг ҳар бир лойиҳаси, шу жумладан, Лондондаги The Serpentine Sackler галереяси ва Сув спорт тури маркази, Гуанчжоудаги опера театри, Пекиндаги Дахинг халқаро аэропорти, Римдаги миллий санъат музейи, Боку шаҳридаги маданият маркази ҳамда дунёнинг энг машҳур шаҳарларида жойлашган кўплаб меъморий санъат асарлари урбанизм, архитектура ва дизайн уйғунлигининг ажойиб намуналарини ўзида акс эттириб, 30 йилдан ортиқ тадқиқот, тажриба ва иланишлар натижаси саналди.

Бу маълумотларни кўздан кечирар эканман, маҳабатли сарой, масжиду мадрасалар қурдирган Амир Темур бобомиз ёдимга тушди. Аслини олганда, бутун ҳам асрга татиғулик бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Янгилашлар харитаси

Янги Тошкент мегаполиҳасининг тарихий аҳамияти ҳақида ўйланганман, автобус анча илдамлаб кетганини сезмай қолибман, икки дарё оралиғи” дея аталган. Тарихдан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Демакки, урбанизация, тараққиёт учун энг мақбул жой икки дарё оралиғи ҳисобланади. Шу маънода, **Янги Тошкент барпо этиладиган Қорасув ва Чирчиқ дарёлари оралиғи** юз пайтгача сақланиб турганини худонинг халқимизга инъоми сифатида баҳолаш мумкин.



Бу ердаги бино-иншоотлар, стадионлар нафақат ўзига хос дизайни, балки спортчилар учун энг замонавий қўлайликларга эгалиги билан эътиборни жалб қилади. Олимпия шаҳарчаси қурилишини кузатиб, Париж шаҳрида бўлиб ўтган XXXIII ёзги Олимпия

ўйинларидаги ўзбек ўғил-қизларининг рекорд натижаси, XVII паралимпияда спортчиларимизнинг матонатли ва муваффақиятли иштироки хаёлимдан бир-бир ўтди. Бинобарин, бундай манзиллар ўзбек спортчиларининг келгусида жаҳон ареналарида бундан юксакроқ марраларни забт этишига замин яратиши шубҳасиз.

Янги қуриладиган шаҳарнинг энг катта ўзига хос жиҳати унинг тўлақонли экологик шаҳар экандир. Ўзбекистондаги “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси Янги Тошкентда ўзининг мукаммал ифодасини топади. Шаҳар ҳудудида 420 гектар ерда марказий бог барпо этилиб, 200 минг туپдан ортиқ дарахт экилади. Ушбу бог замонавий шаҳарнинг ўпкаси вазифасини бажаради деб бемалол айтишимиз мумкин.

Бог учун махсус кўчатхона (питомник) да тайёрланаётган манзарали ва мевали дарахт ниҳоллари олдиндан ўтаётганда табиат нафасини туясиз. Бу нафақат шаҳарнинг экологияси, софлигини сақлаш, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга ҳам хизмат қилади. Айни пайтда бу ердаги ҳар бир лойиҳа замонавий шаҳарсозлик асосида, “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йили”даги ислохотларга ҳамроҳанг шаклда рўёбга чиқарилмоқда.

Шунингдек, шаҳарда энг замонавий экологик транспорт инфратузилмаси яратилади. Унда метро ва электробуслар уйғунлиқда ҳаракатланади. “Яшил” ва “Хавфсиз шаҳар” тамойиллари асосида пиёда ва велосипедларнинг эркин юриши учун қўлай шароит бўлади.

Яна бир эътиборли жиҳати, Марказий Осиёда илк бор уч генерация станцияси қурилишидир. Яъни бу станция орқали электр токи ишлаб чиқарилади. Бинолар куз ва қишда иситилади, ёзда эса совитилади. Сув ва энергия тежовчи воситалар қўлланилади. Қайта тикланувчи, муқобил энергия манбалари билан тўлиқ таъминланиши шаҳар тизимининг барқарор энергия манбаига эга бўлишига замин яратади. Тоза

номидидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Янги Ўзбекистон университети бунёд этилиши илм-фан, таълим соҳасидаги ислохотларнинг давоми дейиш мумкин.

Педагогика университети ўқитувчиларининг ойллги, ишлаш шаронти, макомини кўтариш мақсадида соҳада кечаётган туб ислохотларнинг яна бир амалий ҳаракати самарасидир. Университетнинг ўзига хос жиҳати унинг богча, мактаб ва олий таълим муассасасини жам этган йирик таълим кластери эканди ҳамдир. Бу тармоқнинг янги босқичга кўтарилиши Ўзбекистон келажакда бўлиши ёшлар ишончли қўлларга топширилишини билдиради.

Миллий кутубхона халқимиз, айниқса, ёшларнинг мутулаа маданиятини қаррасига оширишга хизмат қилади. Алишер Навоий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази Ўзбекистоннинг илм-фан ўчоғига айланishi-га ҳисса қўшади. Бу иморатларнинг қурилиш жараёнларини кўриб, Ўзбекистонда яна бир Мамун академиясига пойдевор қўйилляпти, дея мулоҳаза юртимди.

Янги Тошкентдаги бунёдкорлик ишларини кўздан кечирар экансан, гўёки охириг саккиз йилда амалга оширилаётган янгиланишлар харитасини бир-бир арақлаётгандек бўласан киши.

Гапни бежиз саратонни таърифлашдан бошламадик. Шу жазирамада қурилиш майдонида минглаб юртдошларимиз ватан, миллат ва шу халқнинг порлоқ келажак, фаровон ҳаёт, ижтимоий-иқтисодий, маънавий юксак жамият барпо этиш учун жонини жабборга бериб жавлон урмоқда. Қани имконинг бўлса, қаламнинг оқизлик қилмаса, атоқли адиб Санд Аҳмадининг “Уфқ” трилогиясининг бир қисмида тасвирлаган Фаргона канали қурилиши, камеранг нигоҳи ўткир бўлса-ю, пойтахтдаги кўп қаватли уйлар тикланишига бағишланган “Маҳаллада дув-дув гап” классик фильми каби Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги бунёдкорликларини ҳам бадий ўчмас қилиб тарихга муҳрасланг.

Яна автобусдаги одамларни кузатишни бошладим. Тагин шеър ёдлаётган болакай эътиборимни тортиди. Бошимда гўжон хаёллар чорх урди.

Биз кенг дунёқараш, уйғоқ тафаккурли халқ билан янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш сари одимлятимиз. Бунинг учун юртдошларимиз, айниқса, ўқишга чанқоқ ўзбек болалари замонавий олийгоҳларда сифатли таълим олиши, Миллий кутубхона каби илм нури таралган манзилларда руҳий, маънавий, Олимпия шаҳарчасида жисмоний камолотга етиши лозим. Халқ фаровон, ҳаётдан рози яшаши учун эса қўлай ишлаш, дам олиш, соғлигини тиклаш, таълим олиш, ўз иқтисодини рўёбга чиқариш муҳитини яратишининг ўзи кифоя. Зеро, Янги Тошкент лойиҳасида буларнинг ҳаммаси инобатга олинган.

Автобуса одамлар кама я бошлади. Назаримда, манзилга етиб боришмига икки-уч бекат қолди, холос. Тўзган хаёлларимни йиғиб, ўринидан туриб эшик ёнига яқинлашдим, Янги Тошкент ҳақидаги мақоламини “Буюклик қудрати тимсоли” деб номлашни қалбимга тугиб қўйдим.

“Соҳадаги пухта ўйланган ва изчил сиёсат натижасида сўнгги уч йилда 250 минг гектар пахта ва ғалла ери қисқартирилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари учун ажратилди. 160 минг гектар янги боғ ва тоқзор барпо этилиб, эскирган 107 минг гектари янгиланди. 1 миллиард долларлик 1500 та озиқ-овқат лойиҳаси ишга туширилди.



Одинахон ОТАХОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 20 июндаги “Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасидаги ислохотларни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат қилаётди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси, Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси, чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастур аграр тармоқни жадал тарққий эътиришда муҳим омил бўлмоқда.

Декабрь ойининг иккинчи яшанбаси Қишлоқ хўжалиги ҳодимлари кунини эътиб белгиланганини эса юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, соҳага бозор муносабатларини жорий этиш борасидаги кенг кўламли ислохотларнинг мантиқий ифодаси деб баҳолаш мумкин.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Соҳадаги пухта ўйланган ва изчил сиёсат натижасида сўнгги уч йилда 250 минг гектар пахта ва ғалла ери қисқартирилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари учун ажратилди. 160 минг гектар янги боғ ва тоқзор барпо этилиб, эскирган 107 минг гектари янгиланди. 1 миллиард долларлик 1500 та озиқ-овқат лойиҳаси ишга туширилди.

Охириги йилларда соҳадаги жадал ислохотлар халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Бунини Ўзбекистон ўтган ойда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти — ФАО кенгаши аъзоллигига сайлангани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бу эса миллий ва минтақавий ташаббусларни илгари суриш, янги лойиҳаларга маблағ жалб қилиш учун катта имкониятдир.

Президентимиз шу йил 31 июль кунини қишлоқ хўжалигида космик маълумотлардан фойдаланиш ва рақамлаштириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказиб, соҳани янада ривожлантириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди.

Ушбу йиғилиш 30 июль кунини бўлиб ўтган видеоселекторнинг мантиқий давоми бўлди.



Президентимизнинг 2024 йил 14 октябрдаги фармониға мувофиқ, иқтисодиёт тармоқларида аэрокосмик технологиялар жорий этилмоқда. Жумладан, бу қишлоқ ва сув хўжалигидаги ҳақиқий ҳолатни, камчиликларни очик-ойдин кўрсатиб берапти. Иккинчи йил мобайнида соҳада фойдаланилаётган 4 миллион гектардан зиёд ер космик мониторинг қилинди. Натижада айрим майдонларда ҳисоботларда кўрсатилган экин экилмагани, баъзан эса захирадаги ёки эгаси номаълум ерларга экилгани аниқланди.

Шу маънода, давлат томонидан ажратилган имтиёзли кредитларнинг мақсадли ишлатилишини масофавий мониторинг қилган тизим йўлга қўйилиши айни мўддо бўлди.

Иқлим ўзгариши ва сув тақчиллигидан келиб чиқиб, юртимизда сувни кам талаб қиладиган янги навлар ва агротехнология ўтилмоқда. Лекин экин суғоришда сув сарфи меъёри ҳозирги талабга жавоб бермайди. Боз устига, гидромодуль районлаштириш ёндашуви ҳам эскирган. Оқибатда каналлар охирида жойлашган 3 мингдан зиёд фермерга сув етиб бормаяпти.

Йиғилишда шу ва бошқа қатор масалаларга эътибор қаратилар экан, қишлоқ ва сув хўжалиги тизимидаги илмий институтларни жалб қилган ҳолда суғориш меъёри ва гидромодуль районлаштириш тўлиқ янгиланган вазифаси қўйилди. Бу эса сув тежамкорлигига эришиш, иқлимга мослашувчан янги навлар яратишга туртки беради.

Яна бир гап. Бугун фермерлар сарфлаётган сувнинг ҳақиқатда аниқ ҳисоби йўқ. Давлатимиз раҳбари бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, бунинг аниқ ечимларини белгилаб берди. Барча босқичларни рақамлаштириш, сувнинг контурма-контур ҳисобини юритиш зарурлигига ургу берилди.

Сув омборлари сизими ҳам лойиҳавий қуввати бўйича ҳисобланиб келинар эди. Сўнгги икки йилда 60 та йирик сув омбори илк бор батиметрик таҳлилдан ўтказилди. Лойқа чўккани сабабли айримларнинг сизими қамайгани аниқланди. Бу жараёнда

шувини ҳам эскирган. Оқибатда каналлар охирида жойлашган 3 мингдан зиёд фермерга сув етиб бормаяпти.

Йиғилишда шу ва бошқа қатор масалаларга эътибор қаратилар экан, қишлоқ ва сув хўжалиги тизимидаги илмий институтларни жалб қилган ҳолда суғориш меъёри ва гидромодуль районлаштириш тўлиқ янгиланган вазифаси қўйилди. Бу эса сув тежамкорлигига эришиш, иқлимга мослашувчан янги навлар яратишга туртки беради.

Яна бир гап. Бугун фермерлар сарфлаётган сувнинг ҳақиқатда аниқ ҳисоби йўқ. Давлатимиз раҳбари бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, бунинг аниқ ечимларини белгилаб берди. Барча босқичларни рақамлаштириш, сувнинг контурма-контур ҳисобини юритиш зарурлигига ургу берилди.

Сув омборлари сизими ҳам лойиҳавий қуввати бўйича ҳисобланиб келинар эди. Сўнгги икки йилда 60 та йирик сув омбори илк бор батиметрик таҳлилдан ўтказилди. Лойқа чўккани сабабли айримларнинг сизими қамайгани аниқланди. Бу жараёнда

Таҳлил

Бошланиши 1-бетда

2020 йилдан бошлаб қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ушбу йўналишдаги муҳим қадамлар бўлиб хизмат қилди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 14 майдаги “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан электрон тўлов инфратузими, онлайн савдо майдончалари ва логистика тизимларини модернизация қилиш бошланди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2020 йил 5 октябрдаги фармони билан “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси тасдиқланди. Унда рақамли инфратузилмани ривожлантириш, давлат хизматларини электронлаштириш ва аҳоли ҳамда бизнес учун қўлай рақамли муҳит яратиш белгилаб берилган.

Мақур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида иқтисодиётнинг турли тармоқларида кенг қамровли рақамли трансформация жараёни бошланди. Хусусан, давлат бошқарувида “Elektron hukumat” тизими орқали 300 дан ортиқ давлат хизмати рақамлаштирилди, молия соҳасида бюджет рақамлаштирилди, тендер ва харидлар онлайн платформага ўтказилди, соғлиқни сақлаш тизимида “e-poliklinika” тизими ишга туширилди. Таълим тизимида “my.edu.uz”, “kundalik.uz” ва “eduportal.uz” платформалари орқали электрон дарсликлар, режалаштириш ва мониторинг амалга оширилаётди. Саноат ва ишлаб чиқаришда рақамли технологиялар асосида “ақли саноат” тамойиллари жорий этилди ва қишлоқ хўжалигида “Агроплатформа” орқали ер, сув, техника ва ҳосил мониторинги автоматлаштирилди.

Рақамли иқтисодиёт, шунингдек, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқлари самарадорлигини ошириш ва янги иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. 2023 йил якунига қўра, ахборот технологиялари хизматлар экспорти ҳажми 140 миллион АҚШ долларига етди ва бу кўрсаткич 2020 йилдагидан 2,4 баробар ошди. Рақамли тўловлар ҳажми эса 2020 йилдаги 15,3 триллион сўмдан 2024 йилда 43,8 триллион сўмга етди.

Рақамли инфратузилмани кучайтириш мақсадида 2023-2025 йилларда 4 мингдан ортиқ мактаб юқори тезликдаги интернетта уланди, 5G технологиясини жорий этиш бўйича синовлар бошлаб юборилди. Буларнинг барчаси мамлакат иқтисодиётини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш учун рақамли инфратузилма яратилишига асос бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг рақамли иқтисодиётини ривожлантириш бўйича стратегик мақсадлари халқаро рейтингларда ҳам акс этмоқда. БМТнинг “E-Government Development

Рақамли иқтисодиёт:
МАҚСАД АНИҚ, КУТИЛАЁТГАН
САМАРА ЭСА ЗАЛВОРЛИ



Аминжон МАРДОНОВ,
иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори

Index — 2022” рейтингда Ўзбекистон 193 давлат орасида 87-ўриндан 69-ўринга қўтарилди. Бу давлат хизматлари, фуқаролар билан алоқа, технологик тайёргарлик ва очиклик борасида муҳим ижобий ўзгаришлар кечаётганини аңлатади.

Аммо бу йўналишдаги ислохотлар тизимли ва барқарор ривожланишни талаб қилади. Хусусан, ҳудудлар ўртасида рақамли инфратузилма бўйича номуносивобликлар мавжуд, ахборот хавфсизлиги масаласи долзарб бўлиб қолмоқда, АКТ соҳасида малакали мутахассислар етишмайди.

Шу сабаб, рақамли иқтисодиётни фақат технологик ёндашув эмас, балки стратегик, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлаштирилган сиёсат сифатида ривожлантириш зарур. Бу эса Ўзбекистоннинг узоқ муддатли, барқарор ва инклюзив ривожланиш моделини таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Тараққиёт стратегиясида рақамли иқтисодиётнинг тутган ўрнини чуқур ва комплекс таҳлил қилиш мақсадида бир неча илмий-услубий ёндашувдан фойдаланилди.

Таъқиқот учун асосий маълумотлар 2020-2024 йиллар давомида эълон қилинган очик статистик ҳисоботлар асосида таҳлил қилинди. Бунда рақамли хизматлар экспорти,

электрон тўловлар ҳажми, интернет фойдаланувчилари ва ахборот технологиялари стартаплари сони, ҳудудлар бўйича рақамлаштириш даражаси каби кўрсаткичлар ўрганилди.

Маълумотларнинг вақт ўтиши давомида қандай ўзгаришни кўрсатиш мақсадида статистик динамик қаторлар шакллантирилди. Ушбу кўрсаткичлар асосида гистограммалар, донавий диаграммалар, чизикли графиклар тузилди ва улар ёрдамида рақамли иқтисодиётнинг асосий параметрларидаги ўсиш суръатлари ва ўзгаришлар кўрсатилди. Ушбу визуал воситалар мураккаб статистик маълумотларни ўқувчи учун аниқ ва қўлай кўринишда тушунириш имконини берди.

2020-2024 йиллар оралиғидаги асосий кўрсаткичлар ўзаро солиштирилди. Шунингдек, айрим индикаторлар халқаро тажриба,

ридли, мавжуд ижобий тенденциялар билан бирга тизимли камчиликлар ҳам аниқланди. Мисол учун, АТ стартаплари сони ошган бўлса-да, аксарияти фақат Тошкент шаҳрида фаолият юритаётгани ҳудудий номуносивоблик муаммосини очиб берди.

Таҳлил натижалари асосида Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни изчил ривожлантириш, муаммоларни бартараф этиш, стратегик қарорлар қабул қилиш учун амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Бунда хорижий илғор тажрибалар, хусусан, Эстония, Жанубий Корея, Ҳиндистон каби давлатларнинг электрон бошқарув ва рақамли инфратузилма соҳасидаги тажрибалари инобатга олинди.

2024 йил якуни бўйича Ўзбекистоннинг ҳудудлар кесимидаги рақамли иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар таҳлили рақамли



хусусан, БМТнинг Электрон ҳукумат рейтингини, Жаҳон банкининг Рақамли тайёргарлик индекслари билан қиёслаб кўриб чиқилди. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги рақамли ривожланиш даражасини аниқлашга ёрдам берди.

Олинган рақамлар асосида иқтисодий, технологик ва ижтимоий ҳолатлар таҳлил қилинди. Ҳар бир индикатор изчил шарҳлаб бе-

трансформация жараёнида минтақавий номуносивобликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Рақамли инфратузилма, ахборот-коммуникация технологиялари, технопарк ва АТ стартапларини қўллаб-қувватлаш йўналишлариға маблағлар турлича ҳажмда ажратилган.

Рақамли технологияларни жорий этишга ажратилган инвестициялар қуйидаги ҳудудларда етакчи ўринда бўлди:

“Ўзбекистонда сўнгги тўрт йил давомида рақамли соҳаларнинг деярли барча таркибий қисмларида сезиларли ижобий ўсиш қайд этилган. Айниқса, интернет фойдаланувчилари сонининг 22,5 миллиондан 31,7 миллионга етгани рақамли инфратузилма кенгайганидан далолат беради.

- Тошкент шаҳри — 150 миллиард сўм;
- Самарқанд вилояти — 95 миллиард сўм;
- Фарғона вилояти — 70 миллиард сўм;
- Бухоро вилояти — 55 миллиард сўм;
- Хоразм вилояти — 40 миллиард сўм;

Ушбу графикадан кўриниб турибдики, энг катта инвестицион фаоллик Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида қайд этилган. Бу ушбу ҳудудларда ахборот технологиялари парклари, технопарклар, рақамли марказлар ва халқаро технологик инвесторлар билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилгани, шунингдек, кадрлар салоҳияти ва инфратузилма тайёргарлиги юқори экани билан боғлиқ.

Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида рақамли иқтисодиётга инвестиция ўртача даражада бўлиб, бу ҳудудларда иқтисодиётнинг реал сектори (қишлоқ хўжалиги, енгил саноат) устуворлиги сақланиб қолганини кўрсатади.

Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида эса рақамли иқтисодиётга йўналтирилган сармоя миқдори нисбатан паст.

Шунингдек, ҳудудий рақамлаштириш кўрсаткичлари ва инвестиция ҳажми ўртасида бевосита боғлиқлик мавжудлиги аниқланган. Инвестиция қанча юқори бўлса, ахборот технологиялари хизматлари, электрон тўловлар ва электрон тижорат улуши шунча катта бўлмоқда. Бу ҳолат мамлакатда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда минтақавий ёндашувни кучайтириш зарурлигини далолат беради.

2024 йил давомида “Рақамли ҳудуд” лойиҳаси доирасида ҳудудий ҳокимиятлар томонидан 50 дан ортиқ лойиҳа молиялаштирилди. Улар рақамли хизматлар кўрсатиш, кадастр, таълим, тиббиёт ва молиявий хизматлар йўналишларини қамраб олди.

барча сув омборларига “ақли” ҳисоблагичлар ўрнатиб, сув миқдорини онлайн кузатиш, улардаги лойқани қамайтириш вазифалари кўрсатиб ўтилгани бебаҳо бойлигимизни асраб-авайлаш ва ундан оқилона фойдаланишга хизмат қилади.

Бугун ҳаётимизни замонавий технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Дунё рақамлашар экан, кўрсатилаётган хизматлар ҳам энг сўнгги ечимларни талаб этмоқда. Шу сабабли йиғилишда соҳани рақамлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозир фермерлар ер, кредит, субсидия ва агрохизматлар бўйича 30 дан ортиқ платформадан фойдаланаётгани, бунини осонлаштириш учун улар бирлаштирилиб, “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграцион платформаси ишга туширилиши ургуланди. Бу фермерларнинг аини дилидаги гап бўлиб, ҳам уларнинг вақтини тежайди, ҳам ортиқча сарсонгарчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Айниқса, энди даласига нима экишни фермернинг ўзи ҳал қилиши, бунини платформага ўзи киритиши жуда тўғри қарор бўлди. Натижада асосий, такоррий ва тўқсонбости экинлар миқдори олдиндан кўрилади. Бу, ўз навбатида, озиқ-овқат хавфсизлигини, нарх-наво барқарорлиги ва деҳқонларнинг даромадида муҳим аҳамият касб этади.

Бош вазир ўринбосари бошчилигида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича комиссия тузилиши, етишмаётган маҳсулотни кўпайтириш учун имтиёзли кредит ва субсидия берилиши фермерлар учун катта имконият ва муносиб рағбат бўлади, десак янгиланмаймиз.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Соҳада учувчисиз аппаратлардан фойдаланиш ҳам режалаштирилмоқда. Кузда 100 дан зиёд замонавий дрон олиб келинади. Бунинг учун хусусий сектор жалб этилиб, фермерларга дронлар ёрдамида хизматларини йўлга қўйишга кўмаклашилади.

Аёнки, далаларда ғалла ўрмини ниҳоясига етгач, ҳосилни йиғиб олгандан сўнг бўшаган майдонларни тозалаш кўп меҳнатни талаб этади. Шунинг учун айрим фуқаро ва фермерлар далалардаги сомон қолдиқлари ва пояларини ёқиб юбормоқда. Ваҳоланки, сомонпоyani ёқмасдан туриб такоррий экин экиш учун ерни ҳайдаш шарт эмас, сомон ва тўқилган бошоқлар йиғиб олингач, ерга сув югуртириб, экин экиладиган қаторлар юмшатилиши эвазига ҳар қандай экин экиш мумкин.

Йиғилишда шу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, сомонпоyларни ёқишга чек қўйишнинг қонуний асосларини яратиш зарурлиги айтилди.

Космик тадқиқотларда қурилиш, кадастр, нурда қонлар, ўрмон ва яйлов ерлари бўйича ҳам таҳлиллар борлиги таъкидланиб, вазиrлар ва ҳокимларга уларни ўрганиб, режалар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Умуман олганда, бугун қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар халқимизнинг фаровон турмуш кечириши, юртимиз тараққиётини таъминлашнинг кафолати бўлиб хизмат қилаяти. Белгилаб берилган салмоқли вазифалар ижросини таъминлашда эса барча раҳбарлар қатори биз — депутатлар ҳам фаол ва ташаббускор бўлишимиз керак.

Бошланиши 1-бетда

Ҳозир мамлакат тараққиётини илм-фан-сиз тасаввур қилиб бўлмайди. Илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш, олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, юртининг интеллектуал, илмий ва маърифий салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Геология, биология, кимё ва математика фанларини ривожлантиришга уруғ берилмоқда.

Олдимизда вазифалар кўп. Фаннинг ривожлантирилиши зарур бўлган соҳалари бор. Агар биз бутун тарихимиз ҳақида илмий изланишлар қилмасак, бу ишни бошқалар қилади. Фақат биз кўп асрлар давомида шу заминда ўзбеклар истиқомат қилганини исботлашимиз мумкин. Бу мустақиллигимизни кучайтириш, ҳимоялаш учун биринчи навбатда қилинадиган ишдир.

Таниқли математик, астроном, тарихчи, географ ва муҳаддис ал-Хоразмий ўз даврида фан ва таълим марказларидан бири ҳисобланган Хоразмда туғилган. Бу бир неча тарихий манбаларда қайд этилган. Бугун эса буюк ал-



лома шахси дунё олимлари ичида баҳсга сабаб бўлмоқда. Араблар ал-Хоразмийни араб миллатига мансуб деса, форслар форсий олим сифатида қўришни истаяпти. Мана нима учун тарих фанини ривожлантириш керак!

Ўзбек филологияси ҳам ривожлантирилиши керак бўлган йўналишлардан. Агар биз бунга панжа ортидан қарасак, “дунёда ўзбек тили йўқ, бу бошқа тилларнинг шохобчаси” деган иддаолар ҳам пайдо бўлиши ҳеч гап эмас.

Республикамиз учун барча табиий фанлар ичида энг муҳими биологик хилма-хилликни ўрганадиган биология бўлса, халқимиз фаровонлиги учун хизмат қиладиган минглаб хазиналарни ўрганадигани геологиядир. Геология ва биология муаммоларини ҳал қилишда замонавий кимёвий технологиялар катта роль ўйнайди. Бу эса кимё фанини устувор йўналишлардан бирига айналтиради.

Бундан 600 йиллар олдин Мирзо Улуғбек обсерваторияси дунёда биринчи ўринда эди. Ҳозир астрономия бўйича илмий иш қилиш жуда қийин. Чунки катта молиявий қувват талаб этади. Лекин барибир бу фанни ривожлантириш керак.

— Шу ўринда математик олим сифатида бу фан ривожига қаратилган эътибор ва унинг самараси хусусида тўхталсангиз.

— Дунёнинг қўллаб-қувватлаган университетларида, АКШ, Япония, Германия ва бошқа мамлакатларда ишлаганман. Аммо математикага бундай муносабатни ҳеч қаерда кўрмаганман. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Математика институти Миллий университетнинг математика факультети яқинида жойлашган ажойиб бинога эга бўлди. Бу билан ягона математик комплекс яратилди.

Энг муҳим ўзгариш — иқтидорли ёшларда математикага катта қизиқиш пайдо бўлди.

Улар Ўзбекистон билим, салоҳият кадрларидан мамлакат эканини тушунмоқда.

Ҳозирги вақтда фойдали қазилмалар қидиришининг барча замонавий усуллари математик физикага асосланган. Улардан энг оммабоплари акустик тўлқинлар хусусиятларини ўрганишга асосланган сейсмик разведка ва электромагнит тўлқинлар хусусиятларига асосланган электроразведка усуллари дур.

Ушбу икки усул ўртасидаги фарқни тиббий диагностика мисолида кўриш мумкин. Акустик тўлқинлар фонендоскопда ва ультратовуш аппаратларида инсон танасини текширишда ишлатилади. Рентгенография, компьютер томографияси кабилар асосида электромагнит тўлқинлар ётади. Бундай технология билан қўйилган таъхирининг аниқлиги яхши маълум. Шунингдек, фойдали қазилмаларни қидиришда электромагнит усуллари ривожлантириш ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда геофизиканинг математик усуллари, хусусан, электроразведка тадқиқотларининг юқори малакали илмий мактаби мавжуд эди. Таниқли математик усуллардан фойдаланишнинг қийинлиги уларнинг компьютерларда яхши қўлланилмаганидир. Математиклар бундай масалаларни нокоррект қўйилган деб атайди.

Ўзбекистонда нокоррект қўйилган масалалар бўйича кучли математик мактаб ҳам мавжуд эди. Масалан, Самарқанд давлат университетидега ажойиб натижага эришган профессор Шароф Ермухаммедов ўттиз беш йиллар олдин докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Ўша пайтда у ишлаб чиққан усуллар муносоиб топ олинган. Олимнинг шоғирдлари кўмағида изланишларини давом эттириб, ушбу мактабнинг обрўсини тиклаш мумкин. Ҳозирги воқеаликни ҳисобга олган ҳолда, уларни аниқ амалий муаммоларни ечишга, масалан, фойдали қазилмаларни излашининг электромагнит усулларига йўналтириш зарур.

Бир вақтлар Ўзбекистон Фанлар академиясининг Математика институти ходимлари навоийлик геологлар билан муваффақиятли ишлаган. Гап шундаки, олтин ёки уран каби фойдали қазилмалар ер юзидега бириккан ҳолда эмас, балки у ер-бу ерда тасодифий равишда саксовул шохлари мисол жойлашган бўли-



таълимни қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Шу боис, мамлакатимиз математиклари олдида эздик билан ечим талаб қиладиган катта вазифалар турибди.

Кейинги йилларда талабаларнинг ўқишга муносабатидега сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Уларда нафақат диплом олиш, балки билим эгаллаш истаги устувор. Ҳозирги кунда деярли барча магистрантлар нафақат ўқийди, балки ишлайди ҳам. Муваффақиятли фаолият учун уларга умумий классик билим камлик қилади, аниқ ва замонавий билим керак. Бу ўқитувчиларга қўшимча талабларни қўймоқда, улар доимий тақомиллашиб бориши зарур. Асосийси, ёшлар бугун илмга интиломоқда, яхши олим бўлиш учун чет элда ишлаш шарт эмаслиги, ватанда ҳам барча имкониятлар яратилгани, шу ернинг ўзида тўлақонли ҳаёт кечирishi имкониятларини кўраётгани кўп нарсани аниқлатади. Аввало, бу сўнгги йилларда мамлакатимиздаги пухта ўйланган ислохотлар самарасидир. Ишончим комилки, ушбу ислохотлар натижасида ёшларимиз ўз иқтидорларини юзага чиқаради ва Ўзининг Ренессанс ҳодисаси шу кўтлуг заминда яна бир бор бўй кўрсатади.

Биринчидан, илм-фанга эътибор тубдан ўзгарди. Бу ёшларда катта қизиқиш шаклланишга туртки бўлмоқда. Барча зарур шароит яратилляпти.

Иккинчидан, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани яна бир муҳим омилдир. Ана шу алоқаларни кучайтириш керак.

Мен илмли ёшларга қараганимда, уларнинг катта куч эканини ҳис қиламан ва ишончим комил, албатта, улар билан Ренессанс ҳодисаси юз беради.

— Олимлар олдида қандай муҳим вазифалар турибди деб ўйлайсиз?

— Бутун дунё олимлари олдида ҳеч ким муайян вазифа қўймапти. Мисол учун, архитектурага замонавий иншоот керак деб топшириқ бериш мумкин. Йўл қурувчиларига вазифа юкласа бўлади. Аммо олимларнинг зиммасидаги вазифа буткул бошқача. Улар амалга ошираётган тадқиқот халққа хизмат қилиши керак. Битта муаммога 100 та ечим бўлиши мумкин, ундан энг яхшисини топиш зарур. Бўлди. Бу жуда мураккаб масала. Бугун ўзбек олимлари олдида турган энг муҳим вазифа халқимиз фаровонлигига хизмат қиладиган изланишлар қилиш. Шу орқали

яхши бир фильм намоиши этиладиган бўлса, уни томоша қилиш учун олдиндан тайёргарлик қўрилан. Бугун мобил телефон ва “ақли” телевизорлар бераётган қўлайликларга ҳеч ким ҳайратланмай қўйди. Сунъий йўлдош белгиларини ҳар қадамда учратиш мумкин. Тиббиётда замонавий технологиялар таъхирининг. Сунъий интеллект орқали олинаётган маълумотлар турли касалликларнинг олдини олиш ва самарали даволаш имконини бермоқда. Бу тараққиётни ҳеч ким тўхтата олмайди. Келгусида яратиладиган илм-фан кашфиётлари тўғрисида гапириш жуда қийин. Аммо катта ихтиролар одамлар ҳаётини янада яхшилашига умид қилса бўлади.

Ҳозирги илм-фан кўп масалаларга ечим топа олапти. Имконият бор, аммо шароит ҳам муҳим. Илмга яхши одамлар, иқтидорли ёшлар жалб этилиши шарт. Ҳозир шундай хайрли ишлар олиб бориломоқда.

— Бутун ҳаётимизга тобора кенг кириб келадиган сунъий интеллект билан математиканинг боғлиқлиги нимада?

— Сунъий интеллектнинг асоси математикадир. Математика сунъий интеллектнинг “тили” ҳисобланади. Математикасиз у йўқ. Сунъий интеллект асосида турли алгоритмлар ётади. Алгоритмларни яратиш, таҳлил қилиш ва оптималлаштиришда дискрет математика, комбинаторика, алгоритмлар назарияси кенг қўлланилади.

Сунъий интеллект табиий интеллект яратяпти. Шу боис, у табиий интеллект нисмани хоҳласа, шуни бажаради. Сидан исталган ёрдамни олишингиз учун унга салмоқли маълумотлар керак. Инглиз тилида бу “Big Data” дейилади. Агар ақили олим СИни хайрли мақсадларга йўналтирса, кўп яхши ишлар қилиш мумкин. Келгусида у ҳаётимизнинг барча жабҳасига катта таъсир ўтказди. Жумладан, илм-фанда ҳам. Маълумотларни таҳлил қилиш ва янги гипотезалар яратишда сунъий интеллект муҳим воситага айланмоқда.

Бутун кўп ишларни машиналар бажараётгани хайратланарли эмас. Аммо инсон мияси, қалби кадрсизланишдан эҳтиёт бўлиш керак. Шахсий маълумотлар ҳимояси ҳам ечим талаб қиладиган муаммолардан. СИНинг қай даражада яхши ёки ёмонлиги у кимнинг қўлида бўлишига боғлиқ. Ҳар қандай тараққиёт маҳсулини фақат эъгулик йўлида ишлатиш инсониятнинг энг муҳим талаби бўлиб қолаётганини унутмаслик лозим.

— Математика сиз учун нима? Қисматми ёки тасодиф?

— Мактабни битирганимдан кейин физика билан шуғулланмоқчи бўлдим. Кейин қарасам... Буни тушунтириб бера олмайман. Лекин бугун ўзим хайронман: мен кимман ўзи? Физикми? Математикми? Ёки оддий

ўқитувчимми? Ҳеч қачон “Мен математикман”, дея олмайман. Тўғри, шу фандан дарс бераман. Аммо зўр олим эмасман деб ўйлайман.

Математик масалани ечганимда бунинг ҳаёт билан қандай алоқаси борлигини тушунишим керак. Агар алоқаси бўлмаса, қизиқари бўлмайди. Чунки ҳар бир масаланинг ичида ҳаёт билан боғлиғи бор. Бўлиши керак ҳам. Математика шурурингизни эгаллаган пайтда бошқа нарсалар аҳамиятсиз бўлиб қолади. Миянгизда айланаётган ўша масалага ечим топмагунча тинчмайсиз. Бу қанчалар илҳомбахш эканини билганингизда эди...

Математика илмида мени кўп нарсга ҳайратта солади. Ҳар хил масалаларни ечганингизда улар орасидаги алоқа унчалик кўзга ташланмайди. Аммо бутун коинот математика тилида ёзилган яхлит мўъжиза эканига ишонаман. Мен буни ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида кўраман.

Математика билан муносабатда бўлаётганда эҳтиёт бўлиш керак. Фақат ҳисоб-китобга асосланган ҳаёт нақадар хавфли. Ҳаётни чиройли, маъноли ва барқарор қиладиган инсоний қадриятлар — ҳар бир жамият ва инсон учун муҳим бўлган руҳий, ахлоқий ва маънавий асослар бор. Ушбу қадриятлар ҳаётга мазмун беради, инсоннинг ўзини тўлиқ ҳис қилишига кўмаклашади ва жамиятда яхшиликни кучайтиради. Уларни баҳолаб, ҳисоб-китоб қилиб бўлмайди. Дейлик, меҳр қарзга берилмайди. Уни математикалаштириш хато.

Эсимда бор, Миллий университет (ТШДУ) ректори бўлган пайтдама қабул вақтида масъул котиб олдимга кириб, бир абитурient физика факультетига кирмоқчилигини, аммо тўрт соат ўтириб, саволларга ҳеч қандай жавоб беришганини айтди. Савол Ньютоннинг учинчи қонуни ҳақида эди. Абитурient топишган жавоб варақасининг энг сўнгидега битта жумла ёзилган эди: “Ньютоннинг тўртинчи қонуни: ҳаракатсиз ҳаракат нолга тенг”. Бу ҳазил мени ҳайратлантирди. “То-пинлар шу болани, университетга қабул қиламиз”, дедим. Лекин у ҳужжатларини олиб кетди. Шу воқеага ҳам 40 йилча бўлиб қолди. Мен бу билан барча муваффақият замирида ҳаракат ётади демоқчиман. Яхши олим бўлиб шаклланиш учун генетика, тарбия, муҳит, таълим аҳамият касб этиши мумкин. Аммо ҳаракат бўлмаса, барчаси нолга тенг. Мақсадга етиш учун жуда кўп томонлама ёндашиш мумкин, лекин барибир ҳаракат керак. Озми-кўпми эришилган натижалар замирида фақат ҳаракат бор.

— Сизнинг илмий фаолиятингиз ўзбек илм-фанига нима берди?

— Уни айта олмайман. Ўзимга ўзим баҳо беришим қийин. Ўзининг фақат танқид қилишим мумкин. Ҳеч қачон мактанмаганман.

Суҳбатдошимиз камтарлик билан жавоб беришдан қочади. Шавкат Алимов Фанлар академияси В.М.Романовский номидаги Математика институти директори ўринбосари, икки университет ректори, олий ва ўрта махсус таълим вазирини, таъхир ишлар вазирини ўринбосари, Ўзбекистоннинг Хитойдаги фаёқуллода ва мухтор элчиси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини ректорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари ва бошқа қатъи маъсۇл вазифаларда ишлаган. Қайси лавозимда бўлмасин, илмга иштиёқ ва муҳаббат қалбини бир зум тарк этмаган. Зеро, Имом Бухорийнинг “Дунёда илмдан бошқа наҳот йўқ ва бўлма-гай!” деган сўзлари нечоғлиқ аҳамият касб этишини жуда яхши тушунади ва шунга амал қилади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Рисолат МАДИЕВА суҳбатлашди.

СПОРТИМИЗДАГИ МУАЗЗАМ ҒАЛАБАГА БАҒИШЛАНГАН КИТОБ

Спорт қатъият, ишонч, дўстлик, келажак сари дадил интилиш демакдир. Кейинги йилларда мамлакатимизда спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўз навбатида, ўзбекистонлик спортчилар халқаро мусобақаларда эришяётган ғалабалар юртдошларимиз қалбини чексиз ифтихорга тўлдирмоқда.


Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осиёнинг энг кучли жамоалари иштирок этган саралаш ўйинларида чинакам жасорат ва матонат намунасини кўрсатиб, том маънода улкан ғалабага эришгани — Ватанимиз тарихида биринчи марта жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритгани спортимиз тарихида янги саҳифа очди.

Ушбу буюк ғалаба муносабати билан давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларига йўллаган табригидега вакилларимиз матонати ва жасоратига юксак баҳо берилиб, футболчиларимиз қўлга

киритган улкан натижанинг моҳияти ва аҳамияти чуқур очиб берилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси ҳомийлигида яқинда “Адабиёт” нашриётида чоп этилган “Бу ғалаба — муаззам!” номида китобимиз тарихида биринчи марта жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритгани спортимиз тарихида янги саҳифа очди.

Китоб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларига табриги билан бошланади. Табриқда эътироф этилганидек, ҳеч шубҳасиз, миллий



биз билан билгиланган бундай ёрқин натижа юртимиздаги миллионлаб футбол мухлислари, бутун халқимизнинг неча йиллик орузси эди. Футболчиларимиз профессионал билим ва малакаси, таъриба ва маҳорати, энг муҳими, юксак иродаси ва ғалабага бўлган ишончи билан ана шундай орузни реал ҳақиқатга айлантирганлари ҳар қандай таҳсинга муносиб.

Мазкур китобдан ўрин олган “Халқимизни янада бирлаштирган тарихий ютуқ” деб номланган мақолада эса шу йилнинг 10 июнь кунини поёнтқимиздаги “Бунёдкор” стадионда ўтказилган жаҳон чемпионати саралаш босқичининг сўнгги учрашуви кенг ва батафсил ёритилган. Катта футбол байрами сифатида ўтказилган ушбу беллашувини миллионлаб ўзбекистонликлар ҳажон билан томоша қилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев футболчиларимизни қўллаб-қувватлаш учун стадионга таширф буюргани мамлакатимизда

миллионлар ўйини ривожига қаратилётган улкан эътиборнинг яна бир амалий намунаси бўлди.

“Бу сенинг ҳам ғалабангдир, эй Марказий Осиё!” деб номланган бўлимида устоз ижодкорлар, Ўзбекистон халқ шоирлари Сирожидин Саййид, Махмуд Тоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналистлар ўткир Раҳмат, Минҳожиддин Мирзо, Қўчқор Норқобил, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари Зулфия Мўминова, Рустам Мусурмон ва бошқа қўллаб-қувватлаган китоб бағишланган шеърлари билан танишиш мумкин.

“Ғалаба устига ғалаба, ютуқ ортидан ютуқ!” номи бўлимида эса Самарқанд давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, сенатор Рустам Холмуродов, Ёзувчилар уюммаси раисининг

ўринбосари Фарида Афрўз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналистлар Ахрор Аҳмедов, Салим Дониёров, маҳоратли журналист Анвар Самадов ва бошқа қаламкашлар билан бирга Ўзбекистон футбол ассоциацияси президентининг биринчи ўринбосари Равшан Эрматов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи Миржалол Қосимов, футбол шарҳловчиси, “Дўстлик” ордени соҳиби Мирзахалом Тўхтамизаев, футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийси, “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони соҳиби Тимур Қападзе, футбол шарҳловчиси, “Шуҳрат” медали соҳиби Хайрулла Ҳамидов ва бошқа спорт жонқуярларининг ғалаба муносабати билан билдирган дил изҳорлари келтирилган.

“Халқаро эътирофлар” бўлимида Қозғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, ФИФА Президенти Жанин Инфантинонинг футболдаги ушбу ғалабамиз муносабати билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевга йўллаган табриклари, хорижий давлатлар давлат ва жамоат арбоблари, машҳур спортчи ва мураббийлар, турли соҳалар наомандларининг табрик ва муносабатлари, халқаро нашларларда эълон қилинган таҳдидли мақола ва репортажлардан намуналар келтирилган.

Мамлакатимизнинг номдор спортчи ва мураббийлари, соҳа фидойилари ҳақидаги маълумотлар “Ўзбекистон ифтихорлари” бўлимида китобхонлар эътиборига ҳавола этилган.

Бугунги шиддатли ислохотлар даври биздан эскича қолиплардан воз кечишни, доимий изланишда бўлишни, ўз устимизда тинимсиз ишлани талаб этмоқда. Жамиятда устозга, ўқитувчига бўлган ҳурматнинг тикланиши, аввало, келажакка бўлган ҳурмат ифодасидир. Зеро, миллатнинг эртанги куни бугун биз синфхона ва аудиторияларда тарбиялаётган ёшлар билими, салоҳияти ва маънавияти билан белгиланади.

Жадиғ добооларимиз ОРЗУ ҚИЛГАН КУНЛАР

Ҳар бир миллат тарихида унинг бутун келгуси тақдирини, ривожланиш йўлини белгилаб берадиган буюк бурилиш нуқталари бўлади. Халқимиз учун ана шундай энг улуг, ҳеч нарса билан қийёслаб бўлмас тарихий воқелик, шубҳасиз, Мустақиллигимиз айёмидир. Бу шунчаки тақвимдаги қизил сана ёки бир марталиқ сиёсий акт эмас. Мустақиллик тақдирини ўз қўлига олишдек улкан масъулият, ўз келажagini ақл-заковати ва меҳнати билан бунёд этишдек шарафли ҳуқуқдир. Бу — миллатнинг ўзлигига қайтиши, ўзининг кўп асрлик давлатчилик анъаналарини тиклаши, қадриятлари, тили ва маданиятини эркин ривожлантириши учун берилган бекиёс имконият.



Истиқлол фалсафаси шундаки, у бизга нафақат эркинликни ҳаёда этди, балки зимманига келажак авлодлар олдида жавобгарлик ҳиссини, ўз Ватанимизни дунёнинг энг илғор мамлакатлари қаторига олиб чиқишдек муқаддас вазифани ҳам юкланди. Ўтган давр мобайнида босиб ўтилган мураккаб ва айни чоғда шарафли йўл бугунги кунда бизга янги уфқларни очиб бермоқда. Айниқса, сўнгги етти-саккиз йил ичида Президентимиз бошчилигида янги Ўзбекистонни барпо этишдек улғувор мақсад йўлида бошланган кенг қамровли ва шиддатли ислохотлар мамлакатимиз ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Бу тарихий ўзгаришларнинг тамал тоши, унинг энг мустаҳкам пойдевори эса инсон капиталини ривожлантириш, халқнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, яъни таълим ва маърифат соҳасини мутлақо янги босқичга олиб чиқиш экани қайд этилди. Зотан, жамиятда илм-фан ва инновацияларга бўлган эътибор кучайиб бораётган, мамлакатнинг жаҳон ҳам-жамиятидаги ўрни ва нуфузи ҳам шунга монанд юксалаверади. Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришдек буюк вазифа замирида ҳам айнан мана шу эзгу гоя мумассас.

Бугунги кун ислохотларининг фалсафасини, унинг тарихий илдизларини тереин англаш учун бир аср ортга, миллатимиз тарихининг энг ёрқин ва айни пайтда фожияли саҳифаларидан бирига назар ташлашимиз лозим. XX аср бошларида Туркiston заминида вужудга келган жадидчилик ҳаракати шунчаки маорифчилик оқими эмас, балки миллатни қолоқлик ва жаҳолат ботқоғидан қутқариш, уни озод ва фаровон кўриш йўлидаги фидокорона кураш эди. Бу ҳаракат ўз-ўзиндан пайдо бўлгани йўқ, У IX-XII асрларда юртимиздан етишиб чиққан Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фароний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби буюк алломаларнинг Биринчи Ренессанс ҳамда Соҳибқирон Амир Темура ва теурийлар даврида юз берган иккинчи тамаддун юксалишининг мантиқий давоми, миллат интеллектуал генофондининг янги шароитдаги уйғониши эди. Жадидлар ўзларини ана шу буюк аждодларнинг ворислари деб билдилар ва ўша давр таназзулининг асосий сабабини илмсизликда, маърифатсизликда кўрдилар. Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхон, Исҳоқхон Ибрат, Чўлпон каби юзлаб маърифатпарвар бобо-ларимиз ўша даврнинг мураккаб ижтимоий-сиёсий шароитида, бир томондан мустахлака зулми, иккинчи томондан мутаассиблик кишанларига қарши маърифат байрогини баян-ланд кўтарди.

Жадидлар мактабни ислоҳ қилиш, янги усулдаги таълим муассасаларини ташкил этиш орқали ёш авлод онгига дунёвий билимларни, илғор фан ютуқларини сингдиришга уриндилар. Улар оғакан мактабларда диний билимлар билан бир қаторда математика, география, тиббиёт, тарих каби фанлар ўқитилгани ўша давр учун ҳақиқий инқилоб эди. Улар миллий матбуотга асос солиб, газета ва журналлар орқали халқнинг кўзини очишга, театр санъати орқали (“Падарқуш”

драмасини эсланг) жамият иллатларини фойш этишга интилди. Жадидларнинг бу сайъ-ҳаракатлари замирида биргина мақсад — Туркistonни дунёнинг илғор, тараққий этган мамлакатлари қаторида кўриш, миллатнинг ўзлитини сақлаб қолган ҳолда уни модерниза-ция қилиш орузси ётарди. Улар Европадаги тараққиётни кўриб, ўз юртларидаги қолоқ-ликдан изтироб чекдилар. Фитрат ўзининг машҳур “Мунозара” асарида илмсизлик ва бидъат ботқоғига ботган жамиятни аччиқ танқид қилган бўлса, Авлоний “Туркий Гу-листон ёҳуд ахлоқ” китобида муаммал ил-сон тарбиясининг асосларини яратиб берди. Улар учун Ватан тараққиёти шахсий ҳаётдан, молу дунёдан устун эди. Шу сабабли ҳам бор маблагларини, куч-гайратларини ва охир-оқибат ҳаётларини ҳам шу йўлга бағишладди.

Жадидлар фаолиятининг энг стратегик ва узокни қўзлаган йўналишларидан бири, шуб-ҳасиз, иқтидорли ёшларни Германия, Россия, Туркия каби хорижий давлатларга ўқига юбориш ташаббуси эди. Улар бу ёшларни миллатнинг “олтин фонди”, келажак исло-хотларининг локмотиви сифатида кўрди. Мақсад Европанинг илм-фан, техника, саноат ва бошқарув соҳасидаги ютуқларини ўрганиб келган мутахассислар ҳисобига миллий та-раққиётни жадаллаштириш бўлган. Афсуски, шўролар тузумининг қатагон сиёсати бу эзу ниятларнинг тўлиқ рўёбга чиқишига имкон бермади. Бу шунчаки бир фожиа эмас, балки бутун миллатнинг интеллектуал қанотларини

боболарининг фидокорона курашини бил-масдан, сохта тарих руҳида воёга етди. Энг сара, ватанпарвар зиёлиларимиз, шу жумла-дан, чет элда ўқиб келган ёшлар ҳам қатагон қилинди. Жадидлар ёққан маърифат машъ-ласи зўрлик билан учирилди. Аммо уларнинг ғоялари ўлмади, халқнинг тарихий хотираси-да сақланиб қолди.

“Учинчи Ренессанс пойдевори фақатгина аниқ фанлар ёки технологиялар ҳисобига қурилмайди. Унинг мустаҳкамлиги ижтимоий-гуманитар фанларнинг ривожини, тарихни ҳолис ва ҳаққоний ўрганиш, ёш авлод онгига Ватанга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш билан бевосита боғлиқ.

Бугун биз чексиз фахр билан айтишимиз мумкинки, мустақиллик шарофати билан, айниқса, муҳтарам Президентимизнинг сиё-сий иродаси ва қатъияти туфайли жадид бо-боларимизнинг бир асрлик оруз-армонлари амалда, давлат сиёсати даражасида ўзининг тўлақонли ифодасини топомқда. Бугунги Ўзбекистон таълим тизимидаги ислохотлар

раб олиш кўрсаткичи 9-10 фойз атрофида бўлган бўлса, бугунги кунга келиб бу рақам 40 фойздан ошди. Бу шунчаки сонлар эмас, минг-минглаб ёшлар тақдирини, оилалар кувончини, миллатнинг интеллектуал салоҳияти ошиб бораётганининг аққол далили. Ўнлаб янги давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари, Webster, Amity каби дунёнинг етакчи

университетлари филиалларининг очилиши мамлакатимизда соғлом рақобат муҳитини яратиб, таълим сифати учун курашни кучай-тирди. Энг муҳими, олий таълим муассасас-ларига академик ва молиявий мустақиллик берил-ди бошланди. Бу, жадидлар оруз қилган-дек, олийгоҳларнинг қозғобозлик ва ор-тиқча назоратдан холи, ҳақиқий илм-фан, эркин фикр ва инновациялар масканига ай-ланиши учун пойдевор яратмоқда. Академик мустақиллик олийгоҳнинг ўқув дастурлари-ни, қабул қиловатларини, ҳатто ўқитиш тилини мустақил белгилаш ҳуқуқидир. Молиявий

университетлари филиалларининг очилиши мамлакатимизда соғлом рақобат муҳитини яратиб, таълим сифати учун курашни кучай-тирди. Энг муҳими, олий таълим муассасас-ларига академик ва молиявий мустақиллик берил-ди бошланди. Бу, жадидлар оруз қилган-дек, олийгоҳларнинг қозғобозлик ва ор-тиқча назоратдан холи, ҳақиқий илм-фан, эркин фикр ва инновациялар масканига ай-ланиши учун пойдевор яратмоқда. Академик мустақиллик олийгоҳнинг ўқув дастурлари-ни, қабул қиловатларини, ҳатто ўқитиш тилини мустақил белгилаш ҳуқуқидир. Молиявий



Абдугаффор ЖўРАЕВ,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

мустақиллик эса бюджетдан ташқари маблаг-ларни мустақил тасарруф этиш, тадбиркор-лик фаолияти билан шугулланиш, профес-сор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабаларни моддий рағбатлантиришнинг самарали тизи-мини яратиш имкониятидир. Бу икки муҳим омил университетларни ҳақиқий “ақлий мар-казлар”га, илм-фан ютуқларини тижоратлаш-тирувчи инновацион хабларга айлантиришга хизмат қилади. Энди олийгоҳлар ўз тарақ-қиёт стратегиясини ўзи белгилайди, таълим дастурларини меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб шакллантиради, илмий тадқи-қотлар натижаларини тижоратлаштириш имкониятига эга бўлади. Бу эса, ўз навбати-да, илм-фани иқтисодиётнинг реал сектори билан боғлаш, уни мамлакат тараққиётининг драйверига айлантириш имконини беради.

Жадид боболаримизнинг хорижа мута-хассислар тайёрлаш гоёси бугун “Эл-уртуми” жамғармаси фаолиятида янгича, янада кенг миқёсда ўз аксини топганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Президентимиз ташаббуси билан фаолияти тубдан тако-миллаштирилган ушбу жамғарма бугунги кунда минглаб иқтидорли йигит-қизларни дунёнинг энг нуфузли университетларига бакалаврият, магистратура каби дастурлар бўйича ўқишга юбормоқда. Улар давлатимиз учун устувор саналган соҳалар — сунъий интеллект, ахборот технологиялари, энерге-тика, кишлоқ хўжалиги, тиббиёт, архитек-тура ва шаҳарсозлик бўйича энг замонавий билимларни эгалламоқда. Бу жамғарма шун-чаки ёшларни чет элга жўнатадиган ташки-лот эмас. Унинг зиммасида янги Ўзбекистон учун янги авлод кадрларини, ислохотлар тақдирини ўз қўлига оладиган етакчилар-ни тайёрлашдек улкан стратегик вазифа турибди. Жамғарма стипендиатлари билан доимий алоқа ўрнатилади, уларнинг ўқиш жараёни кузатиб борилади ва Ватанга қайт-гач, муносиб иш билан таъминланишига кў-маклашилади. Бу давлатнинг ўз интеллек-туал сармоясига бўлган эътиборининг ёрқин намунаси. Ушбу ёшлар янги Ўзбекистон-нинг интеллектуал элчилари бўлиб, Ватанга янгича дунёқараш, инновацион фикр, илғор бошқарув маданиятини ҳам олиб келади.

Улар — бир аср аввал жадидлар оруз қилган, аммо қатагон туфайли амалга ошмай қолган миссияни шараф билан адо этгаётган авлод. Бугун биз улар тисмонда Учинчи Ренес-санснинг бўлажак бунёдкорларини, мамла-катимизни юксак марралар сари етаклайди-ган етуқ кадрларни кўраётмиш.

Кўриниб турибдики, таълим соҳасидаги ислохотлар бир-бири билан узвий боғлан-ган, ягона стратегик мақсадга бўйсундирил-ган яхлит тизимни ташкил этади. Бу мақсад мамлакат рақобатбардошлигини таъминлаш, инновацион иқтисодиётга ўтиш, халқ фаро-воллигини юксалтириш ва жаҳон ҳамжамия-тида муносиб ўрн эгаллаш ҳисобланади. Зеро, XXI асрда ҳар қандай давлатнинг қу-драти унинг табиий бойликлари ёки ҳарбий салоҳияти билан эмас, аввало, инсон капи-талининг сифати, фуқароларининг билими ва интеллектуал даражаси билан ўлчанади. Бу ислохотлар муваффақияти нафақат иқ-тисодий ўсишни, балки бутун жамиятнинг маънавий-маърифий қиёфасини ўзгарти-ришни ҳам назарда тутати. Билимли, кенг дунёқарашли, ўз ҳақ-ҳуқуқини биладиган,

қонунларга итоат қиладиган ва айни пайтда давлат қурилишида фаол иштирок этадиган фуқаролик жамиятини шакллантириш бар-ча ўзгаришларнинг бош мақсади саналади. Маърифатли инсон ҳеч қачон коррупцияга йўл қўймайди, адолатсизликка тоқат қилмай-ди, атроф-муҳитга бефарқ бўлмайди. Демак, таълимга қиритилган сармоя нафақат иқтисо-диётга, балки барқарор, адолатли ва фаровон жамият қурилишига қиритилган ишончли сармоядир. Давлатимиз айнан шу ҳақиқат-ни барча ислохотларнинг бош мезони қилиб белгилади ва бу йўлда ҳеч қандай куч ва маб-лаг аялаётгани йўқ.

Кенг қамровли трансформация жараёни-да яна бир муҳим жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу миллий ўзлиқни англаш ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги ма-саласидир. Янги Ўзбекистоннинг маърифат-ли фуқароси нафақат ўз тарихи, маданияти ва тилини чўқур биладиган, балки жаҳон цивилизацияси ютуқларидан баҳраманд бў-ладиган, дунёнинг турли халқлари мадания-тига ҳурмат билан қарайдиган, очиқ ва ба-рикенг шахс сифатида камол топиши керак. Ислохотлар мақсади бизни дунёдан ажратиб қўйиш эмас, аксинча, дунёга юз очган, ўзи-нинг муносиб ўрнига ва овозига эга бўлган, глобал жараёнларда фаол иштирок этади-ган миллатни шакллантиришдир. Жадидлар оруз қилганидек, тараққиётнинг Европа мо-делидан кўр-кўрона нусха олиш эмас, балки унинг энг илғор жиҳатларини миллий, минг йиллик анъаналаримизга мослаб, ижодий татбиқ этиш бугунги кун сиёсатининг бош йўналишидир.

Шу маънода, Учинчи Ренессанс пойдево-ри фақатгина аниқ фанлар ёки технология-лар ҳисобига қурилмайди. Унинг мустаҳ-камлиги ижтимоий-гуманитар фанларнинг ривожини, тарихни ҳолис ва ҳаққоний ўрга-ниш, ёш авлод онгига Ватанга дахлдор-лик ҳиссини кучайтириш билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам тарих, она тили ва адабиёт, санъат ва маданият соҳаларига бўлган эътибор кескин ошмоқда. Биз ёшларимизга Амир Темурунинг давлатчилик мак-табини, Берунийнинг тафаккур қудратини, Навоийнинг суз сеҳрини ўргатиш орқали уларнинг қалбида миллий гурур туйғусини уйғотамиз. Айни пайтда уларга сунъий ин-теллект, ген муҳандислиги ва рақамли тех-нологиялар сирларини ўргатиб, келажакка дадил қадам ташлашга замин яратамиз. Зеро, ўзлигини чўқур англаган, илмдизлар и бақувват авлодгина глобаллашувнинг шиддатли тўққинларига дош бера олади ва миллий нафаятларини ҳар қандай шароитда ҳимоя қила оладиган буюк кучга айланади.

Бу жараёнда ҳар бир зиёли, ҳар бир устоз-мураббий зиммасига улкан вазифа юкланади. Биз энди шунчаки ахборот узатувчи эмас, балки ёшлар қалбига маърифат уруғини экви-чи, уларнинг тафаккурини уйғотувчи, уларга мустақил ва танқидий фикрлашни ўргатувчи маънавий етакчилар бўлишимиз шарт. Бугун-ги шиддатли ислохотлар даври биздан эскича қолиплардан воз кечишни, доимий изланиш-да бўлишни, ўз устимизда тинимсиз ишлаш-ни талаб этмоқда. Жамиятда устозга, ўқитув-чига бўлган ҳурматнинг тикланиши, аввало, келажакка бўлган ҳурмат ифодасидир. Зеро, миллатнинг эртанги куни бугун биз синфхо-на ва аудиторияларда тарбиялаётган ёшлар билими, салоҳияти ва маънавияти билан бел-гиланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Муста-қиллигимизнинг 34 йиллигини қаршилаш арафасида барчамизнинг қалбимизда чек-сиз ифтихор туйғуси жўш уриб турибди. Бу ифтихор нафақат ўтган шоқли тарихимиз, балки бугунги бунёдкорлик ишлари, яра-тилаётган имкониятлар ва буюк келажакка бўлган мустаҳкам ишонч ифодасидир. Бир пайтлар эзгу ғоялари учун қурбон бўлган маърифатпарвар боболаримизнинг руҳлари бугун шод бўлаётганига ишончимиз қомил. Чунки улар бошлаган маърифат йўли бугун давлат сиёсатининг энг ёрқин ва устувор йўналишига айланди. Биз, зиёлилар, айниқ-са, олий таълим тизимининг вақиллари бу жараёнларнинг марказида эканимизни ҳар лаҳза ҳис қилиб туришимиз керак. Бизнинг вазифамиз шунчаки дарс бериш ёки маъру-за ўқишдан иборат эмас. Аввало, бу борада ўзимиз намуна бўлишимиз, ёшларда илмга чанқоқликни, ватанпарварликни, яратувчан-лик ва фидойиликни тарбиялашимиз лозим. Ҳар бир профессор-ўқитувчи ўзининг ил-мий мактабини яратиши, иқтидорли ёшлар-ни атрофига тўплаб, уларни катта илм-фан йўлига олиб кириши бугуннинг энг долзарб талаби. Олдимизда турган вазифа — юксак ишончини оқлаш, юртимиздаги ислохотлар-га ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўиш, илм-маърифат зиёсини янада кенгроқ ёйиш орқали янги Ўзбекистоннинг, Учинчи Ренес-санснинг мустаҳкам пойдеворини қуришда фаол иштирок этиш.



GAZETADEGI MATERIALLARNI LOTIN EZUVIGA
ASOSLANGAN ЎЗБЕК АЛИФСОДА ЎҚИШ
УЧУН MAZKUR QR-KODNI SKANER QILING.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариқмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2025 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-846.
34930 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улугмуродов
Мусахҳис: Аслидин Абдуразақов
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилнинг:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 21:14 Топширилди — 22:45